



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2005 йил 23 апрель, шанба • №33 (11.732) • Эркин нархда сотилади

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

22 апрель куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари Тошкентнинг Ватанимиз сиёсий-ижтимоий, маънавий ҳаётида, давлат бошқаруви ва миллий иқтисодиётда тутган ўрни ҳамда аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталди.

Пойтахтимизда республика ялпи ички маҳсулотининг қарийб 14 фоизи ишлаб чиқарилмоқда ва 1,5 миллиард АҚШ долларидан ортиқ ҳажмда маҳсулот экспорт қилинмоқда.

Тошкент ўзининг юксак интеллектуал ва маданий салоҳияти билан алоҳида ажралиб туради. Энг нуфузли илм-зиё масканлари шу ерда жойлашган. Шаҳар маҳаллаларидаги инсонийлик муҳити, ўзаро меҳр-оқибат ҳар бир юртдошимизда ҳавас ва ғурур уйғотади.

Бугун Тошкент том маънода яшариб, ва яшнаб бормоқда. Кейинги йилларда барпо этилган муаззам ва бетакрор Сенат биноси, Тасвирий санъат галереяси, "Гранд-Мир", "Ле-Меридиан", "Дедеман" каби ўнлаб мухташам иморатлар шаҳримиз кўркига кўрк қўшиб турибди. Шу кунларда пойтахтимизнинг бир қанча майдон ва мавзелари қатори Эски шаҳар ҳудудини реконструкция қилиш ва ободонлаштириш бўйича катта ишлар олиб борилаётир.

Шу билан бирга, деб таъкидлади Президентимиз, пойтахтимизда яшайдиган қарийб икки ярим миллион одамнинг

кундалик турмушига ҳамнафас, ҳамдард бўлиш, уларнинг ҳаётий муаммоларини ечишга масъул, бу вазифани ўз фаолиятининг асосий маъно-маъмуни деб билиши зарур бўлган идора – шаҳар ҳокими раҳбариятининг аввало ҳамшаҳарларимизни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш ва бошқариш борасида қурби, масъулияти ҳамда жавобгарлиги етишмаяпти.

Мисол учун, шаҳардаги кўпқаватли уйларни бошқариш масаласи кўпдан буён оғир муаммо бўлиб қолмоқда. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмагани оқибатида аҳолининг коммунал хизматлар бўйича қарздорлиги, 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра, 20 миллиард сўмдан ошиб кетган. Телефон хизмати кўрсатиш бўйича дебиторлик қарзи эса 1,5 миллиард сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 6 фоизга ошган.

Якка тартибда фаолият юридадиган тадбиркорлар билан ишлаш ҳам қониқарли эмас. Тадбиркорлар учун зарур шарт-шароит яратиб бериш билан боғлиқ ишларни назорат қилиши лозим бўлган шаҳар ва туман ҳокимликларида ошна-оғайнигарчилик, ўзбошимчалик, ҳатто порахўрлик ҳолатлари учраб турибди.

Аҳолини иш билан таъминлаш борасида қатор муаммолар йиғилиб қолган. Ҳозирги

кунда шаҳар бўйича иш билан доимий банд бўлмаган аҳоли 47,7 минг кишини ташкил этмоқда. Уй-жой қурилиши соҳасида ҳам оқсоқликлар мавжуд. Бошқача айтганда, шаҳарни бошқаришда ташкилотчилик ва талабчанлик бўшашиб кетган.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Рустам Шоабдурахмонов ўз аризасига биноан Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Президент Ислон Каримовнинг тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари вазифасида ишлаб келаётган Абдуқаҳҳор Тўхтаев Тошкент шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Сессияда сўзга чиққан пойтахтнинг Чигатой-Оқтепа маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Хайрулла Мўминов, Шайхонтоҳур тумани хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Акбарова, Олий Мажлис Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсман) Тошкент шаҳридаги ҳудудий вакили Шоиноят Шоабдирахимов, "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамияти бош директори Вадим Кучеров, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар кенгаши раиси Фурқат Маҳмудхўжаев Президентимиз нутқида келтирилган танқидий фикрлардан тегишли хулоса чиқариб, қўйилган вазифаларни уюшқоқлик, ташаббускорлик ва масъулият билан адо этиш пойтахт ахлининг асосий бурчи эканини таъкидладилар.

Фулом МИРЗО, ЎЗА муҳбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

А.Ҳ.Тўхтаевни Тошкент шаҳар

ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаев Тошкент шаҳар ҳокими этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2005 йил 22 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

Р.М.Шоабдурахмоновни Тошкент

шаҳар ҳокими вазифасидан

озод қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-/15-банди/ ва 102-моддаларига мувофиқ:

Рустам Мавзурович Шоабдурахмонов ўз аризасига биноан Тошкент шаҳар ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2005 йил 22 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

А.Ҳ.Тўхтаевни Ўзбекистон

Республикаси Бош вазирининг

ўринбосари лавозимидан

озод этиш тўғрисида

Абдуқаҳҳор Ҳасанович Тўхтаев бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари лавозимидан озод этилсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 2005 йил 22 апрель.

• Вилоят ҳокимлигида

ИМКОНИАТЛАРДАН ТЎЛИҚ ҲОЛДА ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

Вилоят ҳокимлигида Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари мажмуининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди.

Унда ҳокимликнинг тегишли бўлим ва бошқармалари, жамоат ташкилотлари ҳамда жамғармалар вилоят кенгаши, туман ва шаҳарлар соғлиқни сақлаш ва халқ таълими муассасаларининг раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Адиба Аҳмадҷонова бошқарди.

Тегишли бошқарма ва бўлимлар томонидан мақсадли дастурда белгиланган чора-тадбирларнинг шу йил биринчи чорақдаги ижроси, Зангиота, Тошкент ва Юқоричирчиқ туманларида никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказилишининг

аҳволи, ўқув юртлари, умумтаълим мактабларида репродуктив саломатлик, соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича факультатив курсларнинг фаолияти тўғрисидаги ахборотлар тингланди ва муҳокама қилинди.

Мажлисида Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, қабул қилинган дастурда белгиланган чора-тадбирларни амалга ошириш оилада тиббий маданиятни кўтариш, соғлом авлодни тарбиялашда муайян ижобий натижалар бераётгани таъкидланди. Чунончи, шу йилнинг дастлабки уч ойи мобайнида оналар ўлими сезиларли камайганлиги қайд қилинди.

(Давоми 2-бетда).



• Хотира азиз

Мардлар жасорати унутилмаган

Киши ҳаётида шундай босқичлар бўладики, даҳшатли тўфонлар уни ўз гирдобига олади, бошига минг турли синаотлар солади.

Мен тенги йигитлар 1941-1945 йиллари давом этган уруш домига тушган эдик. Қишлоғимиздан ёш-ёш йигитлар дастлабки кунлардаёқ фронтга жўнашди. Улар қисқа тайёргарликдан ўтиб-ўтмай жангга киришган, ёпирилиб келаётган ёвуз душман йўлини тўсишган. Дастлабки жангу жадаллар, душман ўқига учган қуролдош дўстларим билан видолашувлар ҳали-ҳануз тушларимга кириб чиқади, кечалари уйкуларим ўчиб кетади.

Мен урушга отланганимда бўз-баёв ёш йигитча эдим. Фронлда, турли миллат йигитлари билан сафма-саф юриб, чиникдим, ҳаёт деб аталмиш тирикликнинг кадр-қимматини англаб

етдим. Йўқотишлар, чекинишлар, тенгсиз, олатасир қўл жанглари мобайнида дўст қандай бўлиши, дўстлик қандай куч эканлигини идрок этдим. Мана шу дўстлик бизни чиниқтирди, даҳшатли жанггоҳлардан эсон-омон, соғ-саломат қайтиб келдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 60 йиллигини нишонлаш муносабати билан уруш қатнашчилари ва ногиронларини муқофотлаш тўғрисидаги Фармони ўша жасоратли йилларни яна бир бор хотирамда гавдалантирди, қуролдош

(Давоми 2-бетда).

ИМКОНИЯТЛАРДАН ТЎЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ КЕРАК

Никоғача тиббий кўриқдан ўтиш одат тусига кирди.

Лекин масалаларни муҳокама қилиш чоғида асосий эътибор мавжуд камчилик ва муаммоларни бартараф этишга қаратилди. Чунончи, миллий урф-одатлар ва тиббий кўриқдан ўтишни мувофиқлаштириш, бу соҳадаги муаммоларни бартараф этиш долзарб тус олаётганлиги алоҳида ўқтирилди. Шу мақсадда соғлиқни сақлаш, халқ таълими му-

(Давоми. Боши 1-бетда).

ассасалари, бошқа ташкилот ва идоралар олдиға аниқ вазифалар кўйилди. Тартибот ишини жонлантириш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш шу мақсадда мактаблар, коллеж ва лицейлар, олий ўқув ортларида таълим-тарбия жараёнларидан оқилона фойдаланиш лозимлиги ўқтирилди. Санитария-гигиена, оилада тиббий маданиятни ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлис муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилди.

дўстларим билан жон олиб-жон берган шаҳарларни, қишлоқларни эсладим. Фармонда белгиланган чора-тадбирлар жангларда халок бўлганлар хотирасига ҳурмат, уруш қатнашчиларига эҳтиром туйғуларининг ифодасидир. Бизларни шунчалик қадрлаётганликлари, халок бўлганларни эслаб, ёдга олаётганликлари учун ҳукуратимиздан миннатдорман.

Шу кунларда катта-кичик давраларда ўша йилларни эслаб, урушда халок бўлган тенгдошларим кўрсатган қаҳрамонликлари ҳақида сўзлаб бермоқдаман. Машғум уруш туйғули ҳаётдан кўз юмган кишиларнинг фарзандлари, набиралари менинг хотираларимни жон қулқлари билан тингла-

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мардлар жасорати унутилмаган

шади. Кузатаманки, бундай дилкаш суҳбатлар бугунги ёш авлодни уруш қаҳрамонлари хотирасига садоқат, тинчликни қадрлаш руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда. Шу тарихи мурғак қалбларда Ватанга муҳаббат туйғулари шаклланаверади.

Исмоғил КАРИМОВ,
уруш қатнашчиси.

Зангиота тумани, Эшонгузар шаҳарчаси.

НИЯТ ЯХШИ, МАҚСАД АНИҚ

«Дўрмон» ширкат хўжалиги Қибрай туманидагина эмас, балки вилоятда ҳам довуқли ҳисобланади. Бунинг боиси бор, албатта. Аввало, бу ерда ерга эгаллик қилишнинг замонавий усулидан самарали фойдаланилади.

Ижарачи ва пудратчилар, ҳамкорлар, маҳсулот олувчи ва қайта ишловчи ташкилотлар билан тузиладиган шартномаларга оғишмай амал қилинади, барча муносабатларда икки томонлама ишонч мавжуд. Яна бир асосий жиҳат — хўжаликда деҳқон манфаати устувор, демакки, етиштирилган ҳосилнинг чинакам эгалари ўз маҳсулотларига яраша рағбатни вақтида кўради.

Хўжаликда ўтган йили 371 гектар ерда ғалла етиштирилди. Давлат буюртмаси 900 тонна бўлсада, хўжалик бу кўрсаткични 1071 тоннага етказди. 2150 тонна помидор, бодринг, ош лавлаги,

қовоқ каби маҳсулотлар бозорга чиқарилди.

Маълумки, «Дўрмон» ўзининг боғ ва токзорлари билан ҳам машҳур. 108 гектар боғдан 776 тоннадан зиёд сархил мева олинди. Қарийб 15 гектар токзорда ҳосилдорлик гектар ҳисобига 101 центнердан ошди.

Етиштирилган маҳсулотлардан хўжалик газнасига 257 миллион 697 минг сўм даромад тушди. Соф фойда эса 35 миллион 371 минг сўмни ташкил этди. Ўтган йилда кўрилган фойда ҳисобидан 6 миллион сўм аъзоларга дивиденд сифатида тақсимланди. Техник базани янада мустаҳкамлаш, ерлар-



СУРАТДА: (чапдан) хўжалик пудратчилари Зокир Каримов, Валижон Тошматов ва Саидкарим Жумалиевлар ғалла майсаларини кўздан кечирмоқдалар. Даврон АХМАД олган сурат.

нинг мелиоратив ҳолатига эътибор бериш, янги боғроғлар барпо этиш, кадрлар тайёрлаш масалаларига ҳам фойданинг салмоқли қисми ажратилди.

Шу билан бирга хўжалик меҳр-мурувват, хайру саховат кўрсатишда ҳам ўз имкониятлари даражасида фаоллик қилди. Чунончи, «Сихат-саломатлик йили» давлат дастурида белгиланган тадбирлар ижроси, аҳолининг моддий ночор, кам таъминланган қатламига мурувват кўрсатиш, ижтимоий муҳофаза қилиш,

ҳомийлик ҳамда ободонлаштириш каби хайрли ишларга муносиб ҳисса кўшди.

Дўрмонлик деҳқонларнинг бу йилги режалари янада салмоқли. 271 гектар майдондаги ғалланинг авжи баланд, парвариши рисоладагидек. Қолган ерларда сабзавот, маккажўхори маҳсулотлари етиштириш режалаштирилган. 72 гектар майдонда эса қулупнай парвариш қилинмоқда.

Файрат ШЕРАЛИЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

● Анжуман «An Ta Ltd» ТАШКИЛ ЭТДИ

Мамлакат ва Тошкент вилоятда мрамор, гранит ва бошқа шу каби табиий тошларнинг катта захиралари жойлашган.

Бу конларни очиш ва кенгайтириш, унда тайёрланаётган бинокорлик ашёларининг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, шу йўл билан халқаро бозорга чиқиб, экспорт ҳажмини кўпайтириш бугуннинг долзарб муаммоси бўлиб қолди. «Табиий тош қазиб олиш ва қайта ишлаш соҳаси учун машина ва ускуналар ишлаб чиқаришда янги технологиялар» мавзусидаги халқаро семинар ҳам шу мақсадда ўтказилди. Уни республикамиз бозорининг тош қазиб олиш ва қайта ишлаш секторида Италия ва Германиянинг етакчи фирмалари номидан қатнашаётган An Ta Ltd немис компанияси ташкил этди.

Халқаро семинар доирасида италян ва немисларнинг «Simec», «W. Diamant», «Marini» «Abra-iride» компаниялари вакиллари ўзбекистонлик табиий тош қазиб олиш ва уни қайта ишлаш корхона ва уюмлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Миллий матбуот марказида халқаро семинар якунларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда юқоридаги компаниялар вакиллари оммавий ахборот воситалари ходимларини ўзлари вакил бўлган ишлаб чиқаришлар билан батафсил таништирадилар ҳамда берилган саволларга атрофлича жавоб бердилар.

Ўз мухбиримиз.

Ер — тириклик манбаи

БМТ Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилотининг маълумотларига кўра, ҳозирги вақтда ер устининг фақат 11 фоизи, яъни 1 миллиард 500 миллион гектари қишлоқ хўжалиги учун яроқлидир.

Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш билан экин майдонларини тахминан 2 миллиард 800 миллион гектарга етказиш мумкин. Лекин ҳисоб-китобларга қараганда, тупроқнинг турли сабаблар билан емирилиши оқибатида ҳар йили 5-7 миллион гектар ер яроқсиз ҳолга келмоқда. Бу жаҳон бўйича катта ташвиш туғдирмоқда.

Аҳоли сони тинмай ошиб бораётган ҳозирги кунда бунинг давом этишига йўл қўйиш хунук оқибатларга олиб келиши мумкин. Ерга бўлган эътиборни кучайтириш учун турли чора-тадбирлар қўлланилмоқда. Бутунжаҳон Ер кунининг таъсис этилиши ҳам шунга қаратилгандир. У ҳар йили 22 апрелда нишонланмоқда.

Республика «Экосан» халқаро ташкилоти Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон тасвирий санъати галереясида шу санага бағишлаб халқаро учрашув ўтказди. Қатнашчилар ер бебаҳо бойлик эканлиги, унга бутун дунёда авайлаб-асраб муносабатда бўлиш йўл-йўриқлари ҳақидаги чиқишларни тингладилар, ўзларини қизиқтирган масалалар бўйича мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар.

Вилоятнинг барча шаҳар ва туманлари қатори Тошкент туманида ҳам янги иншоотлар бунёд этилиб, эскилари қайта таъмирланмоқда.

Жумладан, мукаммал реконструкция асосида 21-, 25-, 29-умутаълим мактаблари таъмирланаётган бўлса, Абдурахмонов номли ширкат хўжалигида 10-мактабнинг янги биноси қурилмоқда. У 2005-2006 ўқув йили бошида

Чиноз тумани прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ҳуқуқ-тартибот ва назорат идоралари билан ҳамкорликда турли соҳалардаги қонунбузарликларнинг олдини олиш юзасидан изчил чора-тадбирларни амалга оширмоқда.

Хусусан, ўтган йил давомида ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат идоралари билан ҳамкорликда жами 88 та текширув ўтказилиб, шундан 64 та ҳўлатда маъмурий ҳуқуқбузарликлар аниқланди. 18 та ҳўлат бўйича жиноят ишлари кўзга-тилди. Ҳуқуқбузарлардан жами 659 миллион 38,5 минг сўм жарима ундирилди.

Тумандаги «Ал-Каср» хусусий фирмасида солиқ қонунчилигига риоя қилиниши ҳамда солиқларнинг ўз вақтида тўланиши юзасидан ўтказилган текширув натижасида фирма раҳбари Ҳабибжон Умаров томонидан 2003 йил давомида бюджетга тўланиши лозим бўлган 1 миллион 315 минг 160 сўм солиқ қасддан яширилганлиги аниқланди. Ушбу ҳўлат юзасидан Ҳ. Умаровга

Мўлжалланган қурилишлар авжида

фойдаланишга топширилади. Бундан ташқари, мазкур хўжаликда 1,2 километр газ қувурлари тортилди. Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида

ҳам қатор амалий ишларга кўл урилди. Ҳасанбой қишлоғига тортилаётган қувурлардан июль ойидан ичимлик сув оқа бошлайди.

Рустам НЕЪМАТОВ.

Қонун барчага баробар

ровга нисбатан иш кўзғатилиб, келтирилган зарар тўлиқ ундирилди.

«Абутолиб-ота» фермер хўжалигида ўтказилган текширувларда 3 миллион 129 минг 750 сўм нафақа жамғармаси ва йўл фонди ажратмаси тўланмаганлиги маълум бўлди. Чиноз шаҳар «Дўстлик» кўчаси 6-уйда яшовчи фуқаро Абдурахмонов Қодиров ўзбошимчилик билан ўз хонадонидан автомашиналарни таъмирлаш

устахонаси очган ва электр ҳамда табиий газдан ноқонуний фойдаланиб, давлатга 936,6 минг сўм зарар етказ-

ган. Бўлим ходимлари саъй-ҳаракатлари билан ана шу зарар А.Қодировдан тўлиқ ундирилди.

Фуқаролар томонидан ноқонуний валюта айирбўшлаш ҳўлатларининг олдини олиш юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида 3 та ҳуқуқбузарлик ҳўлатлари аниқланди. Шунингдек, бўлим ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида ноқонуний равишда олиб қилинган жами 8 миллион 920 минг 45 сўмлик спиртли ичимликлар, тамаки, озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари далилий ашё сифатида олин-

ган. Масалан, фуқаролар Салиха Толибаева ва Саодат Ахпенбетова ҳеч қандай ҳўжатсиз, божхона назоратини четлаб ўтиб, 396 минг 400 сўмлик озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотларини Чиноз деҳқон бозорига олиб келаётганда ушландилар ва товарлар давлат фойдасига мусодара қилинди.

Солиқ ва бошқа тўловлардан бўйин товлаётган, хорижий валютада ноқонуний операцияларни амалга ошираётган жисмоний ҳамда юридик шахслар фаолиятини фўш этиш ва олдини олиш тадбирлари бундан буён ҳам изчил давом эттирилади.

Улуғбек УМАРОВ,

Чиноз тумани прокуратураси ҳузурдаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи.
Озод МАЪМУРОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

● «Баркамол авлод — 2005»

«Баркамол авлод — 2005» ўйинлари вилоятимизнинг Тошкент, Қибрай, Янгийўл, Паркент, Бўстонлик туманлари, Янгийўл ҳамда Олмалиқ шаҳарларида ўтказилса-да, асосий баҳслар Чирчиқда кечади. Қолаверса, турнирнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳам айнан шу ерда ташкиллаштирилади. Шу боис, Чирчиқ улкан спорт иншоотлари қурилиш майдонига айланган.

«ОЛМОС» ДА ИШЛАР ҚИЗГИН



Мусобақанинг очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳамда спортнинг энгил атлетика, сузиш, бадий гимнастика, бокс, оғир атлетика каби турлари ўтадиган Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежи спорт мажмуининг умумий майдони 15,5 гектарни ташкил этади. «Олмос» стадиони, ёпиқ ва очик сув ҳавзалари ҳамда ёпиқ манеж унинг таркибига кирувчи учта йирик спорт иншооти саналади. Улардаги қурилиш ишлари 2003 йилнинг апрель ойида бошланган бўлиб, айти пайтда бу жараён якуновчи паллага кирди. Бунёдкорлик ишларини «ТошГРЭСқурилиш» ташкилоти олиб борапти.

— Бундай йирик спорт иншоотини қуриб битказиш шарафли ва масъулияти вазифадир, — дейди ташкилот директори Ғайрат Мираҳмедов. — Қурувчиларимизнинг

тажриба ва маҳорати мажмуани белгиланган муддатда топшириш имконини бермоқда. «Олмос» стадиони 13200 томошабинга мўлжалланган бўлиб, хиёбон, меҳмонхона ва насос станциясига эга. Ўйингоҳда сўнги пардозлов ишлари олиб бориляпти ва режа бўйича 25 апрелда фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.

Очик ва ёпиқ сув ҳавзалари ҳам битиш арафасида. Бу ерда катта-кичик учта бассейн қурилган бўлиб, улардан йилнинг турли фаслида фойдаланиш мумкин. Ҳавзалар



замонавий бўлиб, барча шартларга эга.

2500 кишини ўз бағрига сиғдира оладиган ёпиқ манежда ҳам бир қатор қулайликлар мавжуд. 108x48 метр ҳажмли майдонда спортнинг 25 тури бўйича беллашувлар ўтказиш мумкин. Теннис, волейбол, баскетбол, гимнастика, оғир атлетика каби оммавий спорт турлари шулар жумласидандир. Мазкур иншоот ва сув ҳавзалари 10

майда фойдаланишга топширилади.

— Узоқ йиллардан бери қурилиш соҳасида ишлаб, жуда кўп иншоотларнинг бунёд этилишига ҳисса қўшганман, — дейди шу ерда меҳнат қилаётган ғишт терувчи уста Эргашали Йўлдошев.

— Аммо шу чоққача ҳеч бир мажмуа қурилишига бу қадар катта эътибор, ғамхўрлик, жонбозлик кўрсатилганлиги, масъулият билан ёндошилганини эслолмайман. Мутасадди раҳбарларнинг бу ерга тез-тез келиб, қурилиш сурати ва сифати билан танишиб, ишчи-хизматчилар учун шартшароитларни таъминлаб турганликлари бор куч ҳамда имкониятлардан унумли фойдаланишга асос бўляпти. Буни мен ҳукумат раҳбарларининг спортга, ёшлар саломатлигига эътибори, қолаверса, миллатнинг нуфузини кўтарадиган, мамлакат шухратини жаҳонга ёядиган бўлғуси чемпионларга раҳнамолик-

қабул қилиши қутилаётган коллеж ётоқхонаси ва ошхонасида ҳам барча шартшароитлар муҳайё этиляпти.

Спорт иншоотларини ўз вақтида фойдаланишга топшириш мақсадида бу юмушларга Чирчиқдаги 12-қурилиш трести, «Чорвоқ-

ГРЭСқурилиш», МКД-2, «Сантехгазмонтаж» ва «Автойўл» ташкилотлари ҳам сафарбар этилган.


Бир сўз билан айтганда, муқобили жиҳатидан республикамизда ягона саналган Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳал қилувчи паллага кирди. Бу ерда юзлаб бунёдкорларнинг қўли-қўлига тегмаяпти. Мақсад иншоотни белгиланган муддатда, ҳар тарафлама қулай, соз ва кўркам ҳолатда бўлажак чемпионлар ихтиёрига топшириш.

Шерзод ШУҲРАТОВ.

«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус муҳбири.

СУРАТЛАРДА: қурилиш жараёнидан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган сураатлар.



Ахборот технологияларининг муаммолари

Тошкентда «Математик-физика ва ахборот технологияларининг замонавий муаммолари» мавзuida халқаро анжуман иш бошлади. У Тошкент Ахборот технологиялари университети ташкил этилганининг 50 йиллигига бағишланди.

Мазкур анжуманда маҳаллий олимлар билан бир қаторда хорижий

мутахассислар математик-физика, ахборот ва ҳисоблаш технологиялари ҳамда

тиббиёт ва биологияда ахборот технологияларининг қўлланилишига оид 200 га яқин илмий маърузалари билан иштирок этишмоқда.

Тўрт кун давом этадиган

анжуманда иштирокчилар шўъбаларга бўлинган ҳолда соҳага оид долзарб муаммолар, дастурий таъминот каби мавзуларда ўзаро фикр алмашишади.

«Туркистон-пресс».

● Сиз тарихни биласизми?

«Сайхун» Хивага боради

Ёшларни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш, ўзбек давлатчилиги ва юртимиз тарихини ўсиб келаётган ёш авлодга етказиш мақсадида ҳар йили академик лицей, касбхунар коллежлари ва умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари ўртасида «Сиз тарихни биласизми?» кўрик-танлови ўтказиб келинмоқда.

Мазкур танловнинг вилоят босқичи Паркент туманидаги «Бойқозон» ширкат хўжалигининг «Салоҳият» ёшлар марказида бўлиб ўтди. Унда Бекобод техника-иқтисодиёт коллежининг «Сайхун», Ангрен политехника касбхунар коллежининг «Истиқлол», Зангиота туманидаги 4-умумтаълим мактабининг «Афросиёб», Паркент туманидаги 31-мактабининг «Темур авлодлари» ва Тошкент туманидаги 2-мактабининг «Темурий авлодлар» жамоалари иштирок этишди.

Барча шартларни аъло даражада бажарган Бекобод техника-иқтисодиёт коллежининг «Сайхун» жамоаси голибликни қўлга киритиб, Хивада бўлиб ўтадиган республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Амрулло КАРИМОВ,
«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгашининг матбуот котиби.

Огоҳлик — давр талаби

Бўка туманидаги агросаноат касб-хунар коллежида «Огоҳлик — давр талаби» мавзuida ўқув-машғулот бўлиб ўтди.

Унда маҳалла фаоллари, қишлоқ фуқаролар йиғини раислари, коллеж талабалари иштирок этди. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда ўтказган машғулотда диний экстремизм ва турли диний оқимларнинг ғаразли ниятлари ҳақида йиғилганларга тушунча берилди.

Туман имом-хатиби диннинг асл моҳиятини атрофлича изоҳлаб, у инсонни фақат эзгуликка етаклашини таъкидлади.

Тадбир сўнгида йиғилганларга «Огоҳлик — давр талаби» мавзуси бўйича видеофильм намойиш этилди.

Камол ҒАЙРАТОВ.

Dushanba

25

«Ўзбекистон»

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Тахлилнома»
8.45 «23, 5 даражали бурчак остида»
9.35 «Шеърга кўчган кўнгил»
9.50 «Ўзбектелефильм»

- 12.05 «Гап чикди»
12.45 «Дастурхон атрофида»
13.00 Жаҳон опера санъати юлдузлари»
13.25, 14.45 ТВ анонс.
13.30 «КиноТеатр»
13.50 «Табиат шифохонаси»

- 1-қисм.
18.35 Мумтоз наволар.
18.45 «Қисмат»
19.25 «Ўзлото кундалиги»
19.30 «Ахборот»

- 00.20-00.25 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Давр» ҳафта ичида.

- 21.40 ТВ - адвокат.
21.45 Олтин мерос.
22.45 «Оқшом юлдузи»
23.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури.

- «Тёрнер ва Хуч».
23.35-23.40 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»

- 17.50 «Спортимиз маликалари»
18.05 Оғир атлетика.
18.50 «Мени кутгил»
20.00 «Время»

Seshanba

26

«Ўзбекистон»

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ анонс.
8.40 «23, 5 даражали бурчак остида»
9.30 «Рангин дунё»

- 14.45 Кундузги сеанс: «Шавкатли Айвенго ҳақида қисса»
16:10 «Тафсилот»
16.35 «Покахонтас»
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан»

- 22.00 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Бегона»
23.00 «Калбимдасан Ватан»
23.15 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Эдемга қайтиш»

- 11.25 Чемпион сирлари (рус тилида)
11.45 «Экспедиция»
12.35 Ёшлар овози.
12.55 Мусиқий лаҳза.

- 20.10 ТВ - адвокат.
20.15 «Муҳаббат можароси»
21.05 Ёшлар ва ҳуқуқ: Бахс, мунозара, таҳлил.
21.45 ТВ-адвокат.

- «Холодильникда кимдир бор».
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»

- 21.20 Кураш. Фахрийлар ўртасида жаҳон чемпионати.
22.20 «Футбол шархи»
22.40 Жаҳон спорти: Теннис.

Chorshanba

27

«Ўзбекистон»

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 «23, 5 даражали бурчак остида»
9.25 «Музыка билан сирлашиб»

- Бадий фильм.
15.55 «Болалар спорти»
16.15 «Гулшан»
16.35 «Таълим ва тараққиёт»

- маротаба: «Бегона».
Телесериал.
23.00 «Хамма неъматни борида кадрла!»
23.05 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Эдемга қайтиш»

- 12.10 Кўёшли юрт одамлари.
12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.10 «Қиролликдаги саргузаштлар»

- 20.35, 21.25 Ёшлар.
20.40 «Муҳаббат можароси»
21.30 Ойбек «Навой»
21.50 Олтин мерос.

- «Холодильникда кимдир бор».
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар»
7.45 «Бардам бўлинг»

- 22.35 «Баҳодирлар ўйини»
23.05 Теннис. «Фючерс халқаро турнири»
23.40 Футбол. Чемпионлар Лигаси. Ярим финал.

Payshanba

28

«Ўзбекистон»

- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот»
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Жилванланмаган Африка»

- фильм. 2-қисм.
11.20 «Ҳаёт ва қонун»
11.40 «Болалар спорти»
12.05 «Ҳаракатда - баракат»

- 14.40 Кундузги сеанс: «Муҳаддима»
16.05 «Цирк, цирк, цирк»
16.25 ТВ анонс.
16.30 «Парле ву франсе?»

- 19.55, 20.25, 21.00 Ёшлар.
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари»

- «Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг»
8.30 «Янги авлод»

- 12.30 Ёшлар овози.
12.50 Мусиқий лаҳзалар.
13.15 «Қиролликдаги саргузаштлар»

- 18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 Ўқишга марҳамат!

23.25 - 23.30 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.30 «Табриклиймиз-кутлаймиз».
17.50, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Хайрли оқшом».

18.30, 20.00, 21.00, 21.40 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклиймиз-кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Уғрини ушла».
20.20 «Аёллар салтанати».
21.20 «Химоя».
22.00 «Ўзбегим наволари». Мусикий дастур.
22.20 Кинонигоҳ;

«Вельд».
23.45-23.50 Хайрли тун, шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 Мультфильм.
9.10 «Нокаут».
9.40 «Кучли бешлик».

10.30 Дисней клуб.
11.00 «Равнак» студияси намойиш этади.
11.20-12.40 «Фалокат белгиси». 1-қисм. Бадий фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Болалар спорти»
17.30 Мультфильм.

17.40 «Клон». Сериал.
18.50 «Жаҳон футбол».
19.40 Спорт-клуб: «Белида белбоғи борлар».
20.00 «Время».
20.30 Премьера.
«Кажус». Сериал.
21.05 «Хабарлар».
21.20 Кураш. Ал Ҳаким ат-Термизий хотира турнири.
22.20 Теннис. «Фючерс

халқаро турнири».
22.50 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
00.25 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Оғирлик программаси 12.05 «Телехамкор» 12.25 «Детский час» 12.50 «Бедная Настя», сериал 14.00 Художественный фильм «Пришельцы-2», комедия 15.40 «Аёллар орузи» - передача для жен-

щин 16.25 Документальный сериал 17.25 «Телехамкор» 17.45 «Детский час» 18.10 «Музыкальная пауза» 18.45 «Бедная Настя», сериал 19.45 «Ошикона» 20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача 21.00 «Телехамкор» 21.20 «Музыкальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-м»: «Фанат», остросюжетный фильм 24.00 Программа передач

Juma

29

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Жиловланмаган Африка». Хужжатли телесериал.
9.00 «Цирк, цирк, цирк».
9.20 «Бир кулишайлик».
9.40 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Навоийлик спортчилар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Афсонавий мамлакат». Мультфильм.
11.30 «Ўзлигинг намойиш қил».
Экранда - Наманган вилояти.
11.50 ТВ клип.
12.05 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Бойсу».
12.25 «Зийнат».
12.45 «Бегона». Телесериал.
13.30, 14.55 ТВ анонс.

13.35 «Шарқ тароналари»
14.15 Телемулоқот.
15.00 Кундузги сеанс: «Ака-ука рақиблар». Бадий фильм.
16.35 «Таълим: ислохотлар йўлида».
16.55 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
17.35 «Покахонтас». Мультсериал.
18.10 «Чегарачи».
18.25 «Қисмат». Телесериал.
19.05 «Хидоят сари».
19.25 «Ўзлото кундалиги» ва рекламалар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 «Дастурхон атрофида».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Жоҳил чангалда». Хужжатли фильм.
21.30 Ўзбекистон халқ артистлари куйлайди.
21.50 «Ҳамма неъмат-

ни борида кадрла!»
21.55 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Менга барибир эмас». Бадий фильм.
23.40 «Ахборот-дайжест».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 Болалар экран: «Алибобо ва қирқ қароқчи».
10.40 1001 маслаҳат.
11.00 Қизил худуд.
11.15, 13.10, 16.10, 19.35, 22.35 ТВ - анонс.
11.25 «Экспедиция». Хужжатли сериал.
12.15 Бегойим.
12.35 Ёшлар овози.
12.55 Мусикий лаҳза.
13.15 «Қиролликдаги

саргузаштлар». Мультсериал.
13.40 «Бензакалонка маликаси». Бадий фильм.
14.50 Очун.
15.15 «Даллас». Телесериал.
16.20 Кўрсатувлар дастури.
16.25 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
16.45 «Жасур чўпон бола». Мультфильм.
16.55 Томир.
17.15 Фарзандим - жигарбандим.
17.45 Кафолат.
17.55 Аскар мактублари.
18.15 «069»: дорихона хизмати.
18.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 Ўқишга марҳамат!
19.45 Солиқ хизмати хабарлари.
19.55 Мусикий лаҳза.
20.00 Спорт-лото.
20.10, 21.00 Эълонлар.
20.15 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
21.05 Мехр кўзда.

21.45 ТВ-адвокат.
21.50 Олтин мерос.
22.45 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
23.10 Автосалтанат.
23.30 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Интерфутбол.
1.10 - 1.15 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 ТТВда сериал: «Ит уяси».
17.30 «Табриклиймиз-кутлаймиз».
17.50, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Билим» телеклуби.
18.30, 20.00, 20.55, 22.20 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклиймиз, кутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Уғрини ушла».
20.20 «Имконият».
21.15 «Равнак» студияси намойиш этади.
21.30 «Дорихона эшитади». Бевосита мулоқот.
22.40 Кинонигоҳ: «Асрлар оша».
00.25-00.30. Хайрли

тун, шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 Мультфильм.
9.10 «Кучли бешлик».
10.00 «Шарқ яхкакурашлари ва жанг санъати» туркумидан.
10.30 «Дисней-клуб».
11.00 «Янгиликлар».
11.20-12.40 «Фалокат белгиси». 2-қисм. Бадий фильм.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 Мультфильм.
17.20 Хужжатли фильм.
17.50 «Спорт клуб».
Ринг.
18.20 «Дадиллик учун соврин».
18.40 Хужжатли фильм.
18.50 «Мўжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.25 Премьера
«Кажус». Сериал.
21.00 «Хабарлар».
21.15 «Захирадаги спортчи».

21.35 От спорти бўйича жаҳон кубоги.
22.00 «Менинг катта юнонча тўйим». Бадий фильм.
23.50 Жаҳон спорти: «Снукер».
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
12.00 Оғирлик программаси 12.05 «Телехамкор» 12.25 «Детский час» 12.50 «Бедная Настя», сериал 14.00 Художественный фильм «Фанат», остросюжетный фильм 15.40 «Ошикона» 16.25 Документальный сериал 17.25 «Телехамкор» 17.45 «Детский час» 18.10 «Музыкальная пауза» 18.45 «Аёллар орузи» - передача для женщин 19.15 Звезды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса 19.45 «Ошикона» 20.30 «Кичкинтойлар олами», детская передача 21.00 «Телехамкор» 21.20 «Музыкальная пауза» 22.20 Киновечер на «30-м»: «Вокруг света за 80 дней», комедия 24.00 Программа передач

Shanba

30

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ анонс.
8.40 «Жиловланмаган Африка». Хужжатли телесериал.
9.05 Республика Куролли Кучлари бадий жамоаларининг концерти.
9.25 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.05 «Хидоят сари».
10.25 «Мусиқа дунёси».
10.45, 12.15 ТВ-анонс.
10.50 «Бу турфа олам». Илмий-оммабоп фильм.
11.40 «Соғлом бўлай десангиз».
12.00 «Чегарачи».
12.20 «Микки Маус уйи». Мультфильм.
13.30 «Сиз нима дейсиз?» Мусикий дастур.
14.05 «Оталар сўзи -

аклининг кўзи».
15.05 ТВ анонс.
15.10 «Дўстлик» студияси: 1. «Ўзбекистон - умумий уйимиз». 2. «Умид». 3. «Дурдаршан».
16.10 Болалар учун. «Саргузаштлар ороли».
16.40 «Гал чикди» почтасидан.
17.00 «Табиат шифонаси».
17.10 «Рангин дунё».
17.30 «Покахонтас». Мультсериал.
17.55 «Интеллектуал ринг».
18.40 «Қисмат». Телесериал.
19.20 «Ўзлото». Телелотерея.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
20.00 Оқшом эртақлари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».
21.05 «Ободлик кўнгилдан бошланади».
21.25 «Келин-куёв». Телешоусининг 100-чи сони.
«Тунги ёғду». Дам олиш дастури:
22.25 «КиноТеатр».
22.45 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Ризо». Бадий фильм. 1-қисм.
23.55 «Ахборот-дайжест».
00.15-00.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
8.50 Олтин мерос.
8.55 Иқлим.
9.00 Давр.
9.25 «Муҳаббат можароси». Телесериал.
10.10 «069»: дорихона хизмати.
10.20 Оханрабо.

11.00 Солиқ хизмати хабарлари.
11.10, 13.35, 19.35 ТВ-анонс.
11.20 Табобат оламида.
11.45 «Маҳобҳорат». Телесериал.
12.30 Томир.
12.50 Қутилмаган меҳмон.
13.15 «Тасвирчи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм.
13.40 Қишлоқдаги тенгдошим.
14.00 Фернандо Аррабель. «Дала сайли». Республика Ёш томошабинлар театрининг спектакли.
15.05 Интерфутбол.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: Меҳмонхона.
17.15 Ўқишга марҳамат!
17.20 Бола тилидан.
17.50 Олимлар сардори.
18.15 Саломатлик сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 ТВ-афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.40 «Қилни қирқ ёриб». Интеллектуал

ўйин.
20.35 Ракурс.
21.00 Эълонлар.
21.05 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.
21.50 Олтин мерос.
22.45 Кулгич.
22.55 «Маймунлар қироли». Бадий фильм 1-қисм.
0.15-0.20 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 «Мультчархпалак».
17.35 «Табриклиймиз-кутлаймиз».
17.55, 19.20 «Экспресс» телегазетаси.
18.15 «Экран зийнати ва қиймати».
18.40 «Афиша».
19.00 «Дугоналар».
19.40 «Табриклиймиз-кутлаймиз».
20.10 «Эттикод».
20.25 «Тв плюс».
20.55 «Биргаликда куйлаймиз».
21.40 Кинонигоҳ: «Онтарно соҳилидаги воқеа».
23.10-23.15 Хайрли тун, шахрим!

«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 Мультфильм.
9.10 А. Макаревич «Учта дераза» дастурида.
9.40 Л. Удовиченко. Хужжатли фильм.
10.20 Хужжатли фильм.
11.00 «Янгиликлар».
11.10 «Лайлак парвози». Кинокомедия.
13.00 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
13.45 «Болалар спорти».
14.05-14.25 «Спорт - саломатлик гарови».
16.50 Кўрсатувлар тартиби.
16.55 «Хабарлар» (рус тилида)
17.10 «Бошқа аёл, бошқа эркак». Бадий фильм.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.20 «Спорт - менинг ҳаётим».
20.35 От спорти бўйича

Жаҳон кубоги.
21.05 «Хабарлар».
21.20 Футбол.
Ўзбекистон чемпионати. «Машъал» - «Пахтакор».
22.10 Спорт-клуб.
22.20 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Оғирлик программаси 9.05 «Телехамкор» 9.25 «Детский час» 9.50 Фильм детям: «Чиполлино», сказка 11.20 Документальный сериал 11.40 Звезды ринга на «30-м»: Лучшие поединки звезд профессионального и любительского бокса 12.50 Спорт-экстрим 13.25 «Детский час» 13.50 Индийское кино: «Носильщик-1» 16.30 Болалар соати 17.25 «Телехамкор» 17.45 «Ошикона» 18.30 Киновечер на «30-м»: «Блондинка в законе», комедия 20.00 «Хикоя» 20.20 Хит-парад.uz 21.40 «Телехамкор», фойдали газета 22.00 «Солдаты-2», сериал 23.00 «Ночной канал» - «Укротитель вулканов», приключения

Yakshanba

1

«Ўзбекистон»
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак».
Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Оналар мактаби».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 «Алифбо сабоқлари».
12.30 Ж. Пуаре.
«Алдагани хотин аҳши». Ўзбек миллий академик драма театрининг спектакли.
14.00 «Иктидор». Телеўйин.
14.45, 18.05 ТВ анонс.
14.50 «Муҳаббат можароси». Бадий фильм.

16.10 «Дўстлик» студияси: 1. «Рангинкамон». 2. «Дидар». 3. «Чинсан». 4. «Гардашлиг дунёсинда».
17.30 «Жаҳон эстрадаси».
17.50 «Портретга чизгилар».
«Болалар сайёраси»:
18.10 1. «Улғайиш погоналари». 2. «Олтин тож».
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Тахлилнома» (рус тилида)
20.05 «Оламга саёҳат».
20.30 «Тахлилнома».
21.15 «Одами эрсанг».
21.40 «Ҳамма неъматни борида кадрла!»
21.45 «Якшанба оқшомида». Дам олиш

дастури.
«Якшанба кинозали»:
22.10 «Ўзбекистон» телеканалда илк маротаба: «Ризо». Бадий фильм. 2-қисм.
23.15-23.20 Ватан тимсоллари.
«Ёшлар»
6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Меҳмонхона.
8.55 «Бемби». Мультфильм.
10.05 Кулгич.
10.15 Ракурс.
10.40 Ҳамкор - 2005.
10.50 Ёшлик наволари.
11.00, 15.45, 19.30 ТВ-анонс.
11.10 Аскар мактублари.
11.30 «Маҳобҳорат». Телесериал.
12.15 «Заковат». Интеллектуал ўйин.
13.05 «Дўстим Жо».

Бадий фильм.
14.45 Автосалтанат.
15.05 Мехр кўзда.
15.50 Чемпион сирлари.
16.10 Ринг қироллари.
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус.
17.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.50 Сув-ҳаёт манбаи.
17.55 Спорт ҳафтано-маси.
18.10 «Қаҳқаҳа» театр-студияси намойиши:
18.45 ТВ - афиша.
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр» ҳафта ичида.
19.35 Гулсанам Мамазоитова куйлайди.
19.55, 20.45 Эълонлар.
20.00 Жаҳон маданияти хазинасидан: «Маҳобҳорат». Телесериал.
20.50 Оханрабо.
21.30 «Оқшом юлдузи». Дам олиш ва

ахборот дастури.
22.30 «Маймунлар қироли». Бадий фильм 2-қисм.
23.50 - 23.55 Хайрли тун.
«Тошкент»
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 Болажонлар экран.
17.30 «Табриклиймиз-кутлаймиз».
17.50, 19.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
20.00 «Табриклиймиз - кутлаймиз».
20.30 «Тенгдошлар».
21.00 «Нима учун?»
21.30 Кинонигоҳ: «Поездаги катта ўғирлик».
23.15-23.20 Хайрли тун, шахрим!
«Спорт»
7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг».
Тонги дам олиш дастури.

8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Соғлом овқатла-ниш сирлари». Инглиз тилида.
9.10 Байрам концерт дастури.
11.00 «Кувноқ стар-лар».
11.35 «Рақибингиз гроссмейстер».
11.55 «Гиннес рекорд-лари».
12.30-14.20 А. Михайлов «Эркаклар» фильмида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Болалар спорти».
17.35 Мультфильм.
17.40 «Кун мавзуси».
18.10 «Қийишк кўзгу».
20.00 «Время».
20.20 «Қийишк кўзгу».
22.25 Футбол. Ўзбекистон чемпионати.
«Насаф» - «Нефтчи».
23.15 От спорти бўйича

Жаҳон кубоги.
23.45 Жаҳон спорти: «Еврофутбол».
1.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»
30-канал
9.00 Оғирлик программаси 9.05 «Телехамкор» 9.25 «Детский час» 9.50 Фильм детям: «Сказка о потерянном времени», сказка 11.20 «Телехамкор» 11.40 Документальный сериал 13.00 «Спорт-экстрим» 13.30 Хит-парад.uz 14.50 Болалар соати 15.45 Дневной кинозал: «Укротитель вулканов», приключения 17.25 «Телехамкор» 17.45 «Музыкальная пауза» 18.20 Киновечер на «30-м»: «Рыжая Соня», фантастика 19.50 «Ошикона» 20.35 «Солдаты-2», сериал 21.35 «Телехамкор» 21.55 «Музыкальная пауза» 23.00 Воскресный кино-вечер на «30-м»: «Малыш», мелодрама 24.00 Программа передач

Ҳамма гап муросада

Касбим ҳайдовчи. Шунинг учун бўлса керак, кўпчилик билан муомалада бўлишга тўғри келади. Шундай пайтларда баъзан қайнона-келин, эр-хотин ўртасидаги муносабатлар ҳақида турли фикрларни эшитиб қоламан. Кўп ҳолларда кимдир кимнидир айблади, юзига лой чаплайди.

Ҳеч ким ўз айбини тан олгиси келмайди. Аслида эса ҳаётда учраб турадиган турли кўнгилсиз муносабатларда барчамизнинг бирдек «ҳиссамиз» бор.

Сўзимни мисол билан тасдиқласам. Яқинда бир таниш йигит билан суҳбатимиз эр-хотин муносабатларига бориб тақалди. У турмуш ўртоғига уйдаги оғир юмушларни ҳам қилдиришини айтиб, мақтанди. Менинг эса бу гаплардан гашим келди.

Ахир аёл ҳам инсон, нозик таъб эгаси. Кимдандир меҳр кутади, кимгадир меҳр бериб яшашни истади.

Қайнона-келин ўртасидаги муносабатда ҳам муросанинг етишмаслиги турли келишмовчиликларга сабаб бўлади. Янги тушган келиндан хонадоннинг қонун-қоидаларини талаб қилиш, имконият даражасидан ортиқча ишларни унинг зиммасига юклаб қўйиш натижасида муносабатлар бузилади.

Ҳар ҳолда оилада тинч ва осуда ҳаётни истаган киши атрофдагилар билан муросада оқил-у одил бўлиши, уларни тушунишга ҳаракат қилиши лозим.

Рустам ФОИПОВ.

Кўрган уялса-ю, кийган уялмаса

Дид билан кийниш, кўча-кўйда, жамоат жойларида ўзини сипо туттиш миллатимизга хос одобу ахлоқий фазилатдир. Бироқ, сўнгги пайтларда қизларимизнинг кийниш маданияти Европада тақлидан ўзгариб бораётгани кўпчиликни ташвишга солаётгани табиий.

Тунов куни автобусда ноҳуш бир манзаранинг гувоҳи бўлдим. Дидсиз кийинган қиз ҳамманинг эътиборини тортди. Мен эркак киши бўлсамда қизнинг кийим-бошидан уялдим, ярим яланғоч ҳолдаги либоси ўзига ҳеч ярашмагани. Аксинча, танасидаги нуқсонларни намойиш этарди.


Айрим қизларимизнинг шу даражада очиқ-сочиқ кийинишлари-

га нега йўл қўйяпмиз? Биз ота-оналар қаерга қараяпмиз? Эрта тонгда кўзимиз олдидан шармсиз кийимда кўчага чиқиб кетаётган қизимиз, синглимиз, борингки, кўни-кўшнимизга нима учун тан-бех бермаймиз? Бу ҳақда ҳар бир ота-она яна бир бор яхшилаб ўйлаб кўрса, фойдадан ҳоли бўлмайди.

Санжар НАСРУЛЛАЕВ,
Тошкент шаҳри.

● Сўраган эдингиз

Кактус самарали восита



Саккиз йилдан буён компьютерда ишлайман. Сўнгги пайтларда бошим оғрийдиган бўлиб қолди. Кўпчилик бунинг компьютернинг зарари деб айтяпти. Мен эса ишимни яхши кўраман, ундан ажралгим келмайди. Бунинг учун нима қилишим керак?

Нодир АХМЕДОВ,
Тошкент шаҳри.

Ушбу саволга нафақадаги терапевт Назира Рустамова жавоб беради.

— Ҳозирги кунда компьютерларнинг барчаси имкон қадар зарарсизлантирадиган химояланиш воситалари билан ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ, шунга қарамай ушбу техника ўзидан маълум миқдорда зарарли нурлар чиқаради. Уларнинг кўзга ва у орқали мияга таъсирини камайтириш мақсадида махсус кўзойнақлар ишлаб чиқарилган. Шунингдек, компьютер экранидан келувчи радиацияни қўйиш ҳам яхши самара беради. У зарарли ультратўқна нурларни сўриб олиш хусусиятига эга.

Бундан ташқари компьютер олдида муқим ўтирмай, вақти-вақти билан дам олиш лозим.

ГАЗЕТА ВА ГАЗЕТЖОН



Ҳар томондан тежамли

Маҳалламиздаги водопроводларда бир кун сув бўлса, ойлаб томчиға зор бўламиз. Кўп ҳолларда қудуғи бор хонадонлардан сув ташиб чиқишга тўғри келади. Бу масалани ҳал этишнинг йўли борми?

Карима СУЛТОНОВА, Гулбахор кўрғони.

Гулбахор кўрғони ҳамда Янгийўл, Зангиота туманининг айрим ҳудудлари аҳолисини ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш ва нархлар ўсишини чеклаш мақсадида «Тош-

вилоятсувоқава» ОАЖ Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармасига мурожаат қилиб, ушбу ҳудудлар сув тармоқларини ўз тасарруфи-

даги туманлараро шўба корхонаси таркибига бирлаштириш таклифи билан чиқди. Бу масала юзасидан ҳудудий бошқарма атрофлича таҳлил ўтказди.

Тармоқларнинг бирлаштирилиши бошқарув ходимларини қисқартириш ва ягона бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб бориш имконини беради. Хусусан, ходимлар 16 кишига камаяди ва ойга қарийб 600 минг сўм миқдоридан иш ҳақи тежалди. Энг асосийси, корхоналар ўртасидаги ҳар қандай олди-сотдига чек қўйилди ва ичимлик суви харажатларининг пасайишига эришилади.

Айни кунда корхоналар томонидан етказиб берилётган бир куб метр ичимлик сувининг ўртача нархи 38 сўм бўлса, ташаббус амалга оширилгандан сўнг 36 сўм 50 тиинга тўғри келади. Масаланинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, бирлаштириш натижасида корхоналар ўртасидаги дебитор ва кредиторлик қарзлар ёпилади. Натижада тармоқлардаги техникалар марказлашган ҳолда таъмирланади ва сув таъминоти сифати яхшиланади.

Ушбу ташаббус ҳар тарафдан тежамли бўлганлиги учун тегишли ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланди ва ҳозирги кунда бу борада амалий ишлар бошлаб юборилди.



«Оналар операцияси»

«Тошкент ҳақиқати» газетасида бериб борилаётган «Газета ва газетхон» рукни остидаги мақолаларни қизиқиб билан ўқиб бораман. Улардаги турфа мавзулар, қизиқарли фикр-мулоҳазалар мени ҳам ҳаёт, унинг ўнқир-чўнқир йўллари ҳақида ўйлашга ундамоқда.

Яқинда ҳамюртларимизнинг «Тўйлар ҳақида ўйлар» рукни остида берилган фикр-мулоҳазаларини ўқиб, ўзимни анчадан буён кийнаб келаётган бир масала хусусида ёзишга жазм этдим.

Гап шундаки, сўнгги уч-тўрт йиллик ўзбек тўйларини кузатар эканман, улардаги бир ҳолат тобора бачканалашиб, энг ёмони — кенг қулоч ёяётгандек, назаримда. Агар сиз ҳам кузатган бўлсангиз, никоҳ базмлари ва бошқа тўй кечаларида «отарчилар»нинг тили билан айтганда «Оналар операцияси» деган қисми бор. У сўнгги пайтларда оналарнинг ўз фарзандларига эзгу тилақлар изхор этадиган маросим эмас, балки, даста-даста пул ишлаб олиш мақсадида уюштириляпти.

Яқинда кўшимнинг қизини узатиб бордик. Тўй энди бошланган эдики, «бирровга» келган санъаткорлардан бири оналарни табрик учун даврага таклиф қилди. Дил изҳорларидан сўнг, миллий куй янгради ва «операция» бошланди. Оналарга даста-даста пуллар қистира бошлади. Санъаткорларнинг бир югурдаги эса пулларни пешма-пеш йиғиштириб турди.

Кейин келган санъаткорлар ҳам ана шу «операция»ни қўллашди. Хуллас, бир тўйда уч марта «Оналар операцияси»ни кузатишга тўғри келди. Бироқ ҳеч ким бунга эътибор ҳам бермади. Аксинча, ҳар сафар оналар устидан пул ёмғирдек ёғарди.

Нима бу, оналарнинг кадр-қимматини пул билан ўлчашми ёки айрим «санъаткор»лар учун бойлик орттириш усулими?

Э. МУСАЕВА,
Тошкент шаҳри.

Тайини йўқ телефон кимга керак...

Қишлоғимиз пойтахтнинг биқинида жойлашган. Шу сабабли анча ишларимиз осон битади. Бозор-ўчар ёки бошқа иш билан шаҳарга чиқсангиз, юмушингизни тезда битириб қайтасиз.

Аммо, «тез ёрдам» машинасини чақираман десангиз, шифохонага бориб келишингизга тўғри келади. Сабаби, бу ердаги телефон тармоғининг тайини йўқ. Бир кун ишласа, ойлаб садо чиқмайди. Шунинг учун кўпчилик телефонларини узиб қўймоқда. Бекорга пул тўлаш ҳамманинг ҳам жонига тегида.

Чўнтаги кўтарганлар эса шаҳар тармоқларидан телефон ту-

ширмақда. Аммо, узоқ масофадан сим тортиб келишга ҳамманинг ҳам қўрби етмайди.

Бу масала бўйича масъулларга бир неча бор мурожаат қилдик. Улар «хўп» дейишдан нарига ўтишмаяпти. Хўш, биз энди кимнинг эшигига бош уриб боришимиз керак?

Холхўжа ГУЛҶУРАЕВ,
Зангиота тумани,
Хонобод қишлоғи.

Мухлислар ранжиб қайтишди

Ойнаи жаҳон орқали номойиш этиладиган «Келин-кўёв» шоу кўрсатувини мириқиб томоша қиламан. Ёш оналарда юз берган қизиқарли ва ибратли воқеалар мени ҳаминиша ўзига жалб этади.

Шу сабабли 10 апрель куни «Халқлар дўстлиги» санъат саройида кўрсатувнинг 100-сонига бағишлаб ўтказилган катта шоу концертнинг кундузи бўлиб ўтадиган қисмига чипта олдим.

Концерт куни санъат саройи олдида мухлислар тирбанд, оёқ босишга жой йўқ. Шу пайт кимдир концерт бўлмаслигини эълон қилди. Ким хоҳласа, кечки концертга кириши мумкинлигини, бироқ, яна минг сўмдан пул тўлаши кераклигини айтишди. Республиканинг турли вилоятларидан келган баъзи томошабинлар кечқурунги дастурга қололмасликлари, ҳали анча йўл босиб, уйга етиб олишлари кераклигини айтиб, касса ходимларидан чипта пулини қайтариб беришни илтимос қилишди. Санъат саройи ходимлари

ҳам анойи эмас экан. Андишанинг оти кўрқоқ деганларидек, ҳеч қандай изоҳсиз чипта пулининг минг сўмини уриб қолишди. Мухлислар шу куни кўрсатув ижодкорларидан ҳам, санъат саройининг «уддаборон» ходимларидан ҳам ранжиб қайтишди.

Авалло, нима учун концерт қолдирилди, қолаверса, кассада чипта хоҳлаган нарҳда сотиладими? Шунингдек, истеъмолчи ҳуқуқлари бузилгани етмагандек, томошабин ҳақини уриб қолиш учун уларга ким ҳуқуқ берган? Бизни ана шу саволлар қийнаяпти ва унга ҳамон жавоб топа олмаяпмиз.

Мактуба ЖҶУРАЕВА, ЎЗМУ талабаси.

Саҳифани «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Равшан ЁҚУБЖОНОВ тайёрлади.



Россия:

ҚОНУНДА ҲАҚИҚАТ

Россия Давлат думаси учинчи ўқишдан сўнг мамлакат парламенти депутатлари сайловининг янги тартиби ҳақидаги қонун лойиҳасини қабул қилди. Қонун кучга кирганидан кейин, Россия парламентни аралаш шакллантириш тизимидан мутаносиб шакллантириш тизимига ўтади, сайловларда эса, 2006 йилгача рўйхатдан ўтган партияларгина иштирок этадилар.

Украина:

ОРАДАН ИККИ ОЙ ҲАҚИҚАТ

Пайшанба кун кечқурун Киевнинг Печера район суди «Инвестиционно-металлургический союз» консорциуми аризасини кўриб чиқиб, уни қаноатландирди. Шу тариқа суд ўзининг 2005 йил 17 февралдаги қарорини бекор қилди. Маълумки, мазкур қарорга мувофиқ «Криворожсталь» конметаллургия комбинатининг хусусийлаштирилиши қонуний эмас деб топилганди.

АҚШ:


ТЕРРОРГА ҚАРШИ МИЛЛИАРДЛАР

Ўтган куни АҚШ сенати Ироқ ва Афғонистонда олиб борилаётган ҳарбий ҳаракатлар учун қўшимча тарзда 81 миллиард доллар маблағ ажратилишига розилик билдирди. Пул ажратилиши ҳақидаги ушбу қонун лойиҳаси тез кунларда узил-кесил тайёр бўлгач, май ойининг бошларидаёқ Пентагон бу маблағни тасарруфига олиш ҳуқуқига эга бўлади.

Голландия:

МАМЛАКАТДА ИЛК БОР

Голландияда қорамол қутуриши — Крейтцфельд-Якоб ҳас-талиги билан касалланган дастлабки одам рўйхатга олингани тасдиқланди. Бемор шифохонага жойлаштирилди, шундай ҳо-дисалар яна бўлган-бўлмагани ҳақидаги тафсилотлар аниқлан-моқда. 1997 йилда рўй берган қорамол қутуриши эпидемияси мобайнида мамлакатда 70 га яқин чорва нобуд бўлганди.



Лондоннинг Темза дарёси устига қурилган кўприклар тун-да эртакнамо қасрларни эслатади.

Буюк Британия:

БОЙВУЧЧА АЁЛЛАР КЎПАЯДИ

Британиялик тадқиқотчи-ларнинг башорат қилишлари-рича, йигирма йилдан сўнг, барча ёшдаги аёл милли-онерлар эркаклардан кўпроқ бўлади.

Олимларнинг таъкидлаши-га кўра, 2025 йилда хотин-қизлар миллий бойликнинг 48 эмас, 60 фоизига эгалик қиладилар. Бундан ташқари, улар шу пайтгача анъанавий тарзда эркаклар ишлаб кел-ган юқори маошли лавозим-ларни ҳам эгаллай бошлай-дилар.

КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

Авто-транспорт воситасининг русуми	Бошланғич нархи	Кимошди савдоси ўтказил-диган жой	Кимошди савдоси ўтказил-диган вақти	Авто-транспорт воситаси сақланаётган жой	Авто-транспорт воситасининг техник ҳолати
ГАЗ-5204 1986 й. и/ч.	70 000 сўм	ЖИБ Пскент туман суди	24.05.2005 соат 10.00	Пскент туман А.Дўстбеков номли ш/х	Техник носоз
ГАЗ-52 1984 й. и/ч.	70 000 сўм	ЖИБ Пскент туман суди	24.05.2005 соат 10.00	Пскент туман А.Дўстбеков номли ш/х	Техник носоз
ГАЗ-3507 1985 й. и/ч.	70 000 сўм	ЖИБ Пскент туман суди	24.05.2005 соат 10.00	Пскент туман А.Дўстбеков номли ш/х	Техник носоз
ГАЗ-52 1985 й. и/ч.	70 000 сўм	ЖИБ Пскент туман суди	24.05.2005 соат 10.00	Пскент туман А.Дўстбеков номли ш/х	Техник носоз
ГАЗ-5204 1987 й. и/ч.	70 000 сўм	ЖИБ Пскент туман суди	24.05.2005 соат 10.00	Пскент туман А.Дўстбеков номли ш/х	Техник носоз
ГАЗ-3507 1982 й. и/ч.	200 000 сўм	ЖИБ Пскент туман суди	24.05.2005 соат 10.00	Пскент туман А.Дўстбеков номли ш/х	Техник носоз
ГАЗ-5201 1982 й. и/ч.	70 000 сўм	ЖИБ Пскент туман суди	24.05.2005 соат 10.00	Пскент туман А.Дўстбеков номли ш/х	Техник носоз

Кимошди савдосида қатнашувчи юридик ва жисмоний шахслар бошланғич нархдан келиб чиққан ҳолда (10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда) дастлабки тўловни туман суд ижрочилари бўлинмасининг Пскент туман АТ «Пахтабанк»даги МФО 00472, ИНН 201122997, 20204000500101008102 сонли депозит ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Қатнашувчилардан ариза ва ҳужжатлар қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишидан камида 3 кун олдин тўхтатилади.

Маълумот учун манзил: Пскент туман суд ижрочилари бўлинмаси.

Телефон: (8-254) 52-132.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент вилояти ўрта-махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2145-сонли фармойиши асосидаги «Академик лицейлари ва касб-ҳунар коллежлари директорлари тинлаш ва тайинлаш ҳақидаги тартиби»га биноан қуйидаги Академик лицей ва касб-ҳунар коллежларининг директори лавозимига танлов эълон қилади.

1. Пскент тумани қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежига.
2. Пскент тумани хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига.
3. Тошкент тумани Абдурахмонов қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежига.
4. Бўка тумани ижтимоий педагогика касб-ҳунар коллежига.
5. Чиноз тумани хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежига.
6. Юқоричирчиқ тумани ижтимоий-педагогика касб-ҳунар коллежига.

Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар:

1. Бошқарма бошлиғи номига ариза.
2. Шаҳар (туман) ҳокимиятидан тавсиянома.
3. Сўровнома.
4. Таржимаи ҳол.
5. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеро нусхаси.
6. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг

ксеро нусхаси (мавжуд бўлса).

7. Илмий-услубий ишлари ва ихтиролари рўйхати (мавжуд бўлса).
8. 5x4 ўлчамдаги фотосурат (6 дона).
9. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режаси (концепция).
10. Ҳарбий гувоҳноманинг ксеро нусхаси.
11. Паспортнинг ксеро нусхаси (турар жойи билан).
12. Шаҳар ИИБдан маълумотнома (справка).

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун давомида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика кўрғони.

Телефонлар: 66-09-59, 66-16-51.

● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Sport ● Bolalik bog'i

Осиё чемпионлар лигаси

«Пахтакор»нинг муҳим ғалабаси



Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси мусобақасида иштирок этётган жамоалар тўртинчи тур учрашувларини ўтказдилар.

«Пахтакор» ўз майдонида Саудия Арабистонининг «Ал-Ахли» жамоаси билан баҳс юритди. Уйиннинг дастлабки дақиқаларидан Анвар Солиев, Александр Гейнрих ва Леонид Кошелевнинг фаол ҳаракатлари туфайли вакилларимиз ташаббусни ўз қўлларига олдилар. 22-дақиқада Александр Гейнрихнинг бурчақдан узатган тўпини Леонид Кошелев рақиблар дарвозасига аниқ йўллаб, ҳисобни очишга эришди. Шундан сўнг «Ал-Ахли» ҳам жавоб тўпини киритиш учун ҳужумлар уюштира бошлади. Охир-оқибатда танаффусгача меҳмонлар ҳисобни тенглаштирдилар.

Танаффусдан сўнг «Пахтакор» ташаббусни яна ўз қўлга олиб, рақиблар дарвозаси олдида кетма-кет хавфли ҳолатлар ярата бошлади. 79-дақиқада Анвар Солиев 2-тўпини киритишга муваффақ бўлди. Уйин охиригача 2:1 ҳисоби сақланиб қолди.

Гуруҳдаги иккинчи учрашувда «Ал-Жаиш» (Сурия) ўз майдонида «Ал-Завра» (Ирок) билан баҳс юритди. Бу учрашув дуранг 0:0 билан якунланди. «Пахтакор» ўз ҳисобидаги очколар сонини 6 тага етказиб, гуруҳда иккинчи ўринга кўтарилиб олди. «Ал-Жаиш» ва «Ал-Завра» жамоалари ҳисобида 4 тадан очко бор. Бешинчи тур учрашуви 11 май куни бўлиб ўтади. Шу куни «Пахтакор» Суриянинг «Ал-Жаиш» жамоасини қабул қилади.

Талъат ЮСУПОВ.

Маҳорат қўл келди

Каратэ бўйича пойтахтда ўтказилган шаҳар биринчилиги очиқ мусобақаларида Тошкент туманидан иштирок этган ёш спортчилар энг фаол ва маҳоратли қатнашчилар, деб топилди.

Истеъодли мураббийлар Камол ва Мурод Одиллов тайёрлаган К.Собирбеков, М.Қаюмов, Х.Исмаилов, М.Зиёдов, Е.Усмонов, Ш.Абдуллаев каби ёш, умидли каратэчилар барча рақибларидан устун келдилар. Улар беллашувдан 6 та олтин, 5 та кумуш ва 4 та бронза медаллари ҳамда ташкилотчилар томонидан таъсис этилган қимматбаҳо совринлар билан қайтишди.

Ўз мухбиримиз.


Вакилларимиз иккинчи

Фарғона вилоятининг Тошлоқ туманида Турон якка кураши бўйича мамлакат биринчилиги мусобақаси ташкил этилди. 11 дан 16 ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида кечган баҳслар ўзига хос кескин курашларга бой бўлди.

Унда республикамизнинг турли вилоятларидан келган 300 га яқин хаваскорлар майдонга чиқишди.

Қизиқарли ўтган баҳсларнинг якуний натижасига кўра, умумжамоа ҳисобида мезбонлар биринчилиги қўлга киритдилар. Мусобақада фаол иштирок этган вилоятимиз вакиллари иккинчи ўринга сазовор бўлишди.

Ш. ФАЙРАТОВ.



CHIN QUSHIM

Chin qushim, Chinni qushim. Yolg'onga hech Yo'q xushim.

Haq yo'lda Sudralmagin. Bir lahza Mudramagin.

Charx urib Jo'sh, maza qil. Chin so'zing Ovoza qil.

XIZMAT QILIB YOQQANMAN

Shoxruh degan o'g'lonman, Ishga tayyor, chaqqonman. Duo olib bobomdan, Duo olib momomdan. Oyimlarga yoqqanman, Dadamlarga yoqqanman. Hammalari izzatda — Men bo'laman xizmatda.

Qambar OTA.

Халқ табобати

Гуручнинг хусусиятлари

Ризқ-рўзимиз бўлган шולי дунёнинг 115 дан зиёд мамлакатда экилади. Гуруч қарийб 3 миллиард кишининг асосий озиқ-овқати ҳисобланади.

Ялпи шולי етиштириш бўйича жаҳонда Хитой биринчи, Хиндистон иккинчи, Индонезия эса учинчи ўринда туради.

Гуруч таркибида крахмалнинг мўллиги ва оқсилнинг озлиги билан бошқа дон маҳсулотларидан кескин фарқ қилади.

Халқ табобатида гуруч нўхат, ловия билан бирга қайнатилиб, суви нафас йўлларининг яллиғланиши, зикнафас хасталиқларини даволашда ишлатилади.

Гуруч эмизикли аёллар сутини кўпайтиради. Гуруч қайнатмаси, шунингдек, ҳазм аъзолари касаллиқларига ҳам эм бўлади. Ангина, грипп ва шамоллаш билан боғлиқ қатор касаллиқларга қарши восита тариқасида истеъмол учун тавсия этилади.

Табиблар гуруч меъдани бақувват қилиб, ичаклар фаолиятини яхшилайти, оғиздан келадиган бадбўй ҳидни йўқотади, деб ҳисоблайдилар.

«Узгросуғурта» ДАК Тошкент вилоят дирекцияси жамоаси Зангиота туман суғурта бўлими бошқарувчи-менежери Акмал Турғунвич Мадмаровга ўғли **Ойбек Акмалович МАДМАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Театр байрами

Тошкентда «Театр баҳори — 2005» фестивали бошланди. Унда жисмоний имконияти чекланган ёшларнинг маданият уйлари, мактаблар қошида ташкил этилган 12 та хаваскорлик жамоалари ўз маҳоратларини намойиш этишмоқда.

Рус маданият маркази ҳамда Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур театр байрами 26 апрелга қадар давом этади. Фестивалда Ўзбекистонда яшаётган немис миллати вакиллари маданият марказининг «Ёшлик юлдузи», грек маданият жамиятининг «Ахтида», шунингдек Навоий шаҳридан «Феникс» театр-студиялари ижодий жамоалари иштирок этишмоқда. Анжуман иштирокчилари — хаваскор актёрларни бадиий ижод, гўзалликка бўлган эзгу интилиш бирлаштириб туради.

Фестивал якунида «Энг яхши ижро этилган роль», «Энг яхши сценарий», «Энг яхши режиссура» номинациялари бўйича ғолиб махсус совғалар билан тақдирланади. «Туркистон-пресс».

Мавсум ҳазили

Бекатда автобус кутиб турганим, анчадан бери кўринмай юрган танишим келиб қолди. Саломалиқдан сўнг суҳбатимиз қизиқ кетди.

— Ака, ўтган ҳафта Аҳмаднинг тўйида кўринмадингиз, — гап бошладим.

— Ха, ўша куни ишхонамдаги навбатчилик бизнинг чекимизга тўғри келиб қолибди.

— Анчадан бери бунақанги тўйни кўрмаган эдим, — гапимда давом этдим. — Жуда файзли бўлди. Тахминан 200-250 та жой тайёрланган экан. Хизматдаги санъаткорлар гуруҳининг қўшиқлари сокин, мазмунли, мириқиб тингладик. Айниқса, аскиячи ва сўз усталари тўйни роса қиздиришди. Балансда парвоз табрик сўзлари, совға-салом улашчилар, бир тўда бўлиб, ўртага тушиб олиб, бачкана қилиқлар қилиб ўйнашлар йўқ. Хуллас, дам оладиган тўй бўлди.

— Кўпчилик шундай деяпти, — гапимни тасдиқлади суҳбатдошим. — Ўзинг нега Эргашнинг тўйига бормадинг? Ахир, узокроқ бўлса-да, қариндошсан шекилли.

— Хизматдан кеч қайтдим. Тўйхона йўлимда эди. Негадир киргим келмади. Кеч қолганим устига қуруқ қўл билан киргани иймандим. Келинингиз тоғора кўтариб борди. Оғзининг суви кетиб, ана тўю, мана тўй, деб бирам мақтади...

— Ҳақиқатда шундай бўлди. Ўзиям, беш юз одамга мўлжалланган жой тайёрланган экан. Столга қўйилган ноз-неъматларга гап йўқ. Ичкиликлар қалашиб

ётибди. Келиб-кетаётган санъаткорларнинг баъзиларига гал тегмайди. Тўй эмас, концерт-шоу. Янада замонавийроқ қилиб айтганда, дискотека деявер. Шовқин-сурондан ёнгинангача ўтирган одамнинг гапини эшитмайсан.

Наҳорги ошнинг мазаси



Бир маҳал хоразмча лазги бошланиб қолди. Бир тўда аёл даврани тўлдириб, ўйин бошлади. Шифонердай икки аёл биз ўтирган жойга келиб, елка учириб, қошини қоқиб, «Хой, ака, бир ташламайсизми?» деб қолса бўладими. Тавба дедим, ўзимга ўзим, шу хотинларнинг эри бормикан?

Шу пайт қизиқчи микрофонни олди-ю, сўз бошлади:

— Бу кейин тушди тўйми ёки хотинлар чалларисими?

Бу гапдан зийрак тортиб, ўтирганларни зимдан кузатдим. Беш юз одамдан нари борса, етмиш-саксон эркек, қолганлари... Ёнимда ўтирган дўстимга ўзимни айтдим-да, секин турдим. Йўлма-йўл қизиқчининг ҳазил гаплари қулоқларим остида жаранглаб борди. Гапини қаранг, йигирма йилдан кейин эркек зоти камёб бўлар эмиш, қизил китобга киритилармиш, тавба.

Суҳбатимиз қизиганидан манзилга етганимизни ҳам сезмай қолибмиз.

— Ха, майли, эрталаб Тожиёвнинг ошида кўришармиз, — дедим-у, хайрлашдим. Айрим тўйлар ҳамон кимўзарга ўтказилаётгани, ўзбекона куй, кўшиқ, рақс ўрнига бемаъни шовқин-сурон, тўда-тўда бўлиб, ола-тасир ўйин тушиш, беҳуда исрофгарчилик ҳақидаги нохуш ўй-фикрлар кун бўйи тинчлик бермади.

Эртасига тонгда йўлга тушдим. Хотинимнинг «Йўл бўлсин, хўжайин?», деган саволидан энсам қотиб, «ошга», деб кўя қолдим.

— Сизларга мазза-да, — пичинг қилди хотиним. — Ҳар куни ошила бор, гоҳ тўйхона, гоҳ чойхонада. Эрталабки ош зўр бўлса керак?

— Ха, роса мазза, роса зўр! — дедим-у, кўчага отилдим.

Яхши ҳам биз эркеклар эмин-эркин борадиган шу наҳорги ошлар бор. Айтинг-айтинг, аёлларимиз «Нима, наҳорги ош фақат эркеклар учунми?» деб, юриш бошлаб қолишмасин-да!

Асрор СУЛАЙМОНОВ.

Биласизми?

АСФАЛЬТДА ДОН

Мичиган университетининг олимлари қумли ерларда бошқоқли ўсимликларни ўстириш мумкинлигини исботлашди. Бунинг учун ерни 60 сантиметр чуқурликда кавлаб, юпқа асфальт ётқизилади. Сўнг устидан яна қум тортилади ва буғдой сепади.

қум остидаги асфальт намни сақлаб қолади. Сувда эриган органик моддаларнинг сингиб кетишига йўл қўймайди.

Олимларнинг фикрича, бундай асфальт майдонни суғормаса ҳам бўлади.

ПАТ ҲАМ ОЗУҚА

Қушлар латини майда тўйиб, кукунини иссиқ буғда димласа, жўжаларга жуда фойдали озиқ бўлар экан. Америкалик мутахассисларнинг фикрича, унда осон ҳазм бўладиган

оқсил моддаси жуда кўп экан.

БАЛИҚЛАР ШИФОХОНАСИ

Аквариумларда боқиладиган ранг-баранг балиқлар сержило ҳаракатлари билан киши кўзини қувонтиради. Бундай балиқчаларнинг баъзилари эса табиатан нозик бўлади. Агар зарур шароит яратилиб, кўнгли тусаган овқат ўз вақтида берилмаса, касал бўлади. Хаста балиқларни қандай

даволаш мумкин? Фарбий германиялик ветеринар врач Вернер Бергер шу мавзуда илмий-тадқиқот олиб борди.

Ёш олим Мюнхенда балиқлар учун дунёда яққо ягона касалхона очиб, кираверишига «Балиқлар шифохонаси» деган лавҳа осиб қўйди. Бу ерда балиқлар доктори қабулга кириш ҳам осон эмас. Бир-икки кун илгари навбатга ёзилиб қўйиш керак.

Акбар АЛИЕВ тайёрлади.

ТОШКЕНТ HAQIQATI
ТОШКЕНТ HAQIQATI

Муассас
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
вазифасини бажарувчи
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълолар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шаҳри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Тошкент вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги
Матбуот ва ахборот бошқармасида
03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»
таҳририяти компьютер
марказида терияди ва
саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.